Ушбу сонда:
2 — *Қонун барчага баробар* — МУЛК ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ
3 — *Касаба уюшмалари халқаро майдонда* — ХОТИН-ҚИЗЛАР СЕМИНАРИ
4 — *Санъат* — ОНА ТАБИАТ КЎРКИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 18 декабр, чоршанба №198 (1415)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

**2002 йил 28-29 декабр шанба ва якшанба дам олиш кунларини 2002 йил 30-31 декабр душанба ва сешанбага кўчириш тўғрисида**

***Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

2002 йил 28-29 декабр шанба ва якшанба дам олиш кунлари 2002 йил 30-31 декабр душанба ва сешанбага кўчирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 17 декабр

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 декабр куни Россиянинг «Газпром» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқарув раиси Алексей Миллерни қабул қилди.***

- «Газпром»дек йирик компания билан ҳамкорлик Ўзбекистонга ҳам, Россияга ҳам катта фойда келтиради, - деди учрашувда Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, «Газпром» дунёдаги йирик компанияларнинг бири ҳисобланади. Жаҳондаги қазиб олинаётган табиий газнинг 20, Россияда эса 94 фоизи ушбу компания улушига тўғри келади.

«Газпром»нинг муассиси Россия Федерацияси ҳукумати ҳисобланади. Компаниянинг 38,5 фоиз акцияси давлатга тегишли. Шунингдек, ярим миллиондан ортиқ жисмоний шахс компаниянинг акционеридир. «Газпром» корхоналарида 300 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади.

Мазкур компания бутун бошли технологик жараённи, ўнлаб корхона ва компанияларни ўзида бирлаштирган. Уларда газ қазиб олиш, газ, нефт ва конденсатни қайта ишлаш ҳамда ушбу жараён учун зарур техника, саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ҳамда халқ эҳтиёжи учун зарур товарлар ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, «Газпром» экспорт қилаётган табиий газ Ғарбий Европанинг 33, Шарқий Европанинг 80 фоиз эҳтиёжини таъминламоқда.

«Газпром» «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан ҳам анчадан буён ҳамкорлик қилиб келади. «Газпром» бошқаруви раисининг юртимизга ташрифи эса мавжуд ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган.

Хусусан, мамлакатимизда газ қазиб олиш, сотиш ҳажмини ошириш, газ транспорти тизимини ривожлантириш, ушбу соҳага сармоя жалб қилиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг газ саноати соҳасида кечаётган хусусийлаштириш жараёнида «Газпром»нинг фаол иштироки ана шундай ҳамкорлик сирасига киради.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мамлакатимиз газ саноатини ривожлантиришда катта аҳамият касб этиши таъкидланди. Бу борада истиқболли қўшма режалар ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга жорий қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

**(ЎзА).**

*Оролбўйидан мактублар*

***Ўз юрти салоҳиятини рўёбга чиқариш, одамлар ҳаётини янада яхшилаш соҳасида Тахтакўпир тумани меҳнат аҳлининг фидойилиги эътиборга сазовор. Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик офат туфайли вужудга келган оғир ва мураккаб шароитда туман деҳқонлари ҳақиқий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатмоқдалар.***

# ТАХТАКЎПИРЛИКЛАР ЖАСОРАТИ

Ёзи иссиқ, баҳори камёғин, қиши қаҳратонли, кузи чанг-тўзонли келадиган бу минтақада деҳқончилик билан шуғулланиш катта меҳнат ва машаққатни талаб этади.

Туманда бўлганимизда «Олға бос» фермер хўжалиги раҳбари, фидойи деҳқон Отесин оға Отамбетов билан учрашдик.У шундай деди:

— Бу йилги баҳор тахтакўпирликларни яна бир синовдан ўтказди. Май ойи бошларида қаттиқ жала ёғиб, экинларни пайҳон қилиб кетди. Иродаси мустаҳкам фидойи чўл одамлари табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб, далаларга қайтадан уруғ ташладилар ва улкан хирмон кўтардилар.

Туман асосан шоли етиштиришга ихтисослашган. 4100 гектар майдонда «марварид дон» етиштирилди. Аҳолиси 46 мингдан ошиб кетган мамлакатимизнинг шимолий ҳудудида шолидан юқори ҳосил етиштирилди.

Бепоён яйловлар воҳада чорвачиликни ривожлантириш учун муҳим манба ҳисобланади. Бугунги кунда хўжаликларда 60 минг бошга яқин қўй-эчкилар, 13 миллион қорамол парваришланмоқда.

Иқтисодиётни ривожлантиришда кичик ва ўрта бизнес субъектлари катта ўринни эгаллайди. 2227 та деҳқон-фермер хўжаликлари ихтиёрига 7406 гектар суғориладиган майдонлар бериб қўйилган.Ҳар гектар ердан 30-35 центнердан хирмон кўтарган, аҳолини кўп миқдорда гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаётган фермерлар кўп.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ағитой Адилов раҳбарлик қилаётган «Тахтакўпир» ширкат хўжалигининг кунгабоқар ёғи тайёрлаш цехида 10 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Оролбўйи аҳолиси учун соғлом турмуш шароити яратиш, уларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш асосий вазифага айланган. Фуқароларга 260 ўринли марказий шифохона, «Мулик», «Қонироткол», «Янгидарё», «Маржонкўл», «Бошитау» хўжаликларида ҳар бири 20 ўринли овул шифохоналари, 5 та қишлоқ врачлик пункти, 4 та врачлик амбулаториялари, 16 та фельдшер-акушерлик муассасалари хизмат кўрсатаяпти. Ўз ишини пухта эгаллаган 68 нафар ҳаким, 452 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари халқ соғлиги учун парвона. Туғиш ёшидаги 10163 нафар аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Хорижий ҳамкорлар Оролбўйи аҳолиси турмуш шароитини яхшилашга яқиндан кўмаклашмоқдалар. «Каунтерпарт интернэшнл» халқаро жамғармаси 2 йилдан бери ҳомийлик қилиб турли хилдаги тиббий ускуналар, дори-дармонлар етказиб бермоқда. ДОТС йўналишида силга қарши тиббий муолажалар ўтказилмоқда.

Яқинда туман марказида 320 нафар ўқувчига мўлжалланган янги мактаб, «Ордусткалъа» овулида 35 ўринли санаторий, Янгидарёда қишлоқ врачлик пункти ва коллеж биноси қуриб, ишга туширилди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан 5736 нафар нафақахўрларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти. «Қариялар санаторийси», «Оталар чойхонаси» улар хизматида. 86 нафар ёлғиз кексаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар доимий равишда етказиб берилаяпти. 75 нафар уруш қатнашчилари ва 25 нафар фахрийларга «Дармон» жамғармаси орқали моддий ёрдам кўрсатилди.

**И.ИСОМИДДИНОВ.**

# *Хусусий шифохона имкониятлари* «ҲИММАТ» ХИЗМАТИМИЗДА

Эҳтиёткорлик билан, оҳиста қадам ташлаб келаётган 30 ёшлардаги аёл пештоқига Пискент туман «Нуроний» жамғармаси қошидаги «ҲИММАТ» хусусий шифохонаси, деб ёзилган эшик олдида бир оз турди-да, астагина ичкарига кирди. Шифокор беморнинг шикоятларини диққат билан тинглаб, саволлар берди. Ниҳоят ёзув столи ортига ўтиб, беморга юзланди:

—Хавотир олманг. Дардингиз оғир эмас. Лекин, касаллик касаллик-да. Олдини олиб, даволаниш керак. Биз имкони борича кимёвий дорилардан камроқ фойдаланамиз. Бугундан бошлаб ҳар куни келасиз. Асосий муолажамиз нуқтали уқалаш. Яна бир даво, табиий ўтлар дамламасини ичиб турасиз. Бу мутлақо зарарсиз.

Турсунбой Йўлдошев қарийб 40 йил тумандаги Муроталли шифохонасида даволовчи врач бўлиб ишлади. Пенсияга чиққач, қишлоқ марказида шифохона очиб, беморларга тиббий хизмат кўрсата бошлади. Шифокор ўзининг кўп йиллик тажрибасини ишга солиб, касалликларни нуқтали уқалаш усули ва шифобахш гиёҳлар ёрдамида даволашни йўлга қўйди. Бу бир томондан кимёвий моддалардан зарарли таъсирни камайтирса, иккинчидан беморлар қимматбаҳо дориларни сотиб олишларига эҳтиёж қолмади. Беморлар тез соғая бошлаганидан дарак топган қишлоқ аҳли, ҳатто қўшни туманлардан ҳам Турсунбой акага мурожаат қилиб келадиганлар сони ортиб борди.

— Қишлоқ шифокориман,- дейди Турсунбой ака, — қасамёд қилганман. Шунинг учун ҳам дам олиш кунларими, байрам кунларидами, кечасими, чақириб келишса, албатта, ёрдам бераман. Оғир касалларни уйларида кўраман. Айрим вақтларда жарроҳлик муолажаларини қилишга ҳам тўғри келиб қолади. Ҳозирги кунларда ўнга яқин хасталикларни даволаяпман.

**Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.**

# ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

***Президентимиз Ислом Каримов таклифига мувофиқ 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг X сессиясида сўзлаган нутқида ҳам маҳалланинг жамиятимиздаги мавқеини янада ошириш, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш хусусида алоҳида тўхталди.***

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан маҳалла тизими ривожига давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Юртбошимиз Фармони билан «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташкил этилиши маҳалланинг анъанавий тарбия ўчоғи сифатидаги мавқеини янада оширди. Кўп қаватли уйлар жойлашган ҳудудларда янги маҳаллалар тузилиб, мамлакатимизда яшовчи бошқа миллат вакиллари орасида ҳам маҳаллага хос удумларнинг кенг ёйилаётгани қувонарлидир.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган «Обод маҳалла йили: мақсад ва вазифалар» мавзуидаги семинар-кенгашда ана шу хусусда гап борди. У Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ҳамда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилди. Мазкур жамғарма раиси А.Гадойбоев бошқарган семинар-кенгашда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари, фаоллари, мутасадди вазирлик, идора, ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг куни кеча матбуотда эълон қилинган Фармойишига кўра маҳалланинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқаруви тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим органи сифатида тутган ўрни ва ролини ошириш билан боғлиқ масалаларни амалий ҳал этиш зарурати инобатга олинган ҳолда «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси тузилди. «Обод маҳалла йили»га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларнинг комплекс дастурини тайёрлаш комиссиянинг асосий вазифасидир.

Тадбирда ушбу комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов мазкур дастур маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тузилма сифатида тутган ўрни ва ролини янада юксалтиришга қаратилиши кераклигини таъкидлади.

Маҳалла, аввало, соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Тинчлик ва осойишталикни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга оиланинг фаровон ва ҳар томонлама ривожланишида, айниқса, ёш авлод тарбиясидаги ўрни беқиёсдир.

Тадбирда «Обод маҳалла йили»да амалга ошириладиган тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Семинарда Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, Д.Ғуломова, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

# ЭКСПОРТ МЎЛЖАЛДАГИДАН КЎПРОҚ

Жорий йилда пахтадан тайёрланган газламалар ва калавалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Антекс" акциядорлик жамияти ўз маҳсулотларини Голландия, Австрия, Дания ва Россияга сотди. Бу эса корхона даромадини 570 минг долларга кўпайтирди.

Шу йилнинг 11 ойида корхона 170 тонна ип калаваси ва 250 минг погон метр пахта газламалар ишлаб чиқарди, - деди АЖ бош директори Неъматулла Азизов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Бундан ташқари корхонада 112 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрлади.

Н. Азизовнинг таъкидлашича, акциядорлик жамиятида ўртача ойлик иш ҳақи 30,5 минг сўмни ташкил этади. Ҳозирча бу ерда 600 нафар шаҳрихонлик ёшлар меҳнат қилишмоқда. Қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари ишга тушиши билан корхонада яна 50 иш ўрни очилади.

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

***Яқинда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Наманган вилояти қўмитасида бўлганимда қизиқ воқеа устидан чиқдим. Миллий банк Косонсой филиали уч ходими икки хил мазмундаги аризанома билан келган эдилар. Ҳар уч шикоятчининг биринчи аризаларида ўзларига нисбатан бўлим бошқарувчиси Раимжон Мақсудовнинг адолатсизларча муносабатда бўлиб, ноқонуний ишдан бўшатганлиги, шу боис ҳақиқатни қарор топтиришда ёрдам берилиши сўралса, иккинчисида қайтадан ўз вазифаларига тикланганиклари, шунинг учун биринчи аризаларини бекор қилиш сўралган эди.***

# АДОЛАТ СУДДА ТИКЛАНДИ

Келинг, тармоқ қўмитасига қилинган дастлабки мурожаатномалардан бири билан танишайлик. Унда жумладан шундай дейилади: «Мен, Зокир Абдуллаев 2002 йил 14 август куни ишга келдим. Бошқарувчимиз йиғилишда вилоятдан буйруқ бўлган, деб мени ишдан бўшатди ва эртадан эътиборан келмагин, деди. Лекин мени бу ҳақдаги ҳеч қандай ҳужжат билан таништирмади».

Орадан деярли 8 кун ўтгач, юқорида исми-шарифи келтирилган ана шу ходим вилоят тармоқ қўмитасига иккинчи мурожаатномани битиб топширди. Унда шундай дейилган эди: «Мен Зокир Абдуллаев Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки туман филиалида эгаллаб турган вазифамда ишлашни давом эттирмоқдаман. Шунинг учун олдинги мурожаатномамни бекор қилишлигингизни сўрайман». Қуйида Миллий банк Косонсой филиали уч ходими билан боғлиқ ҳангоманинг қандай қилиб юзага келганлиги-ю амалда қай шаклда ечимини топганлиги масаласини батафсилроқ баён қилишга ўтамиз.

15 август куни юқорида тилга олинган тумандан ташриф буюрган фуқаро Мўминжон Мамажонов вилоят тармоқ қўмитасига келиб ўғли, олий маълумотли компьютерчи Рустам Мамажонов, муҳосиблик бўлими мутахассиси Зокир Абдуллаев ва қарз бериш бўлими ходими 1-тоифали мутахассис Аъламхон Темировлар ҳали иш бошлаганига бир ҳафта бўлмаган филиал раҳбари Раимжон Мақсудов томонидан ишдан бўшатилганликларини баён қилиб, адолатсизликнинг бартараф этилишига кўмаклашишни сўраган. Тармоқ қўмитаси дарҳол ноҳақ ишдан бўшатилганларнинг манфаатини ҳимоя қилишга киришди. Ишдан ноқонуний бўшатилганлар Р.Мамажонов, З.Абдуллаев ва А.Темировлар билан суҳбатлашилганда, улар янги раҳбар Р.Мақсудов сенлар билан ишлай олмайман, вилоятдан кўрсатма бор, деб чиқариб юборганлигини айтишди. Кишини ажаблантирадиган жиҳати шуки, янги бошлиқ шикоят юзасидан борган касаба уюшма тармоқ қўмитаси ходимларига керакли ҳужжатларни кўрсатишдан бўйин товлади. Орадан уч кун ўтиб борилганда, бошлиқ ўринбосари С.Дадабоев ҳам турли баҳоналарни рўкач қилди. Ҳолбуки, касаба уюшмалари тўғрисидаги Қонунда талаб этилган ваколат доирасидаги ҳужжатни бермасликка ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, деб аниқ-равшан ёзиб қўйилган. Шундан сўнг тегишли давлат органларига мурожаат қилишга мажбур бўлинди. Бу ерда тағин бир одамни ўйлантирадиган масала шуки, филиал бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳмуджон Ҳайитов кўз ўнгида юз бераётган адолатсизликларга эътибор бермаган. Ишловчилар манфаатини ҳимоя қилишни ўйламаган. Бунинг сабаби сўралганда, меҳнат таътилида эдим, деган баҳонани рўкач қилган.

Масалани ўрганиш жараёнида шу ҳол аниқландики, Миллий банкнинг вилоят бошқармасидан туман филиалига юқорида номлари келтирилган уч ходимни ишдан бўшатиш тўғрисида ҳеч қанақа кўрсатма бўлмаган. Бу янги бошлиқ ижод қилган «ўйин» экан, холос.

Худди мана шу банк тизимининг Поп туман филиали бош мутахассиси Шаҳзода Ҳасановани ишдан ноқонуний бўшатиш билан боғлиқ можаро ҳам кишини бефарқ қолдирмайди. Шаҳзодани навбатдаги аттестациядан ўтказиш чоғида Низом ҳужжатлари талаблари нотўғри қўлланилган. Биринчи галда у Низом талаблари билан таништирилмаган. Чунончи, «Маълумоти тўғри келмаганлиги муносабати билан лавозимига нолойиқ» деган хулоса берилган. Қолаверса, бундай маҳалда аттестациядан ўтмаган ходим тақдири бир ойлик муддат ичида ҳал этилиши кўрсатилгани ҳолда, бир ярим ойга чўзиб юборилган. Бу хатоликлар бевосита Миллий банк вилоят бошқармаси иштирокида юз берган. Шундай хулоса берилган вақтда Ш.Ҳасанова меҳнатга лаёқатсизлик варақасига чиққан. Қолаверса, аёл ҳомиладорлик ҳолатида бўлган. Шунга қарамасдан, у ишдан четлатилган. Ш.Ҳасановага моддий ва маънавий зарар етказилганлиги боис унга судга мурожаат қилиши кераклиги тушунтирилди. Ш.Ҳасанова Чуст туманлараро фуқаролик судига учради. Тоҳиржон Тожиалиев раислигида ўтган суд мажлиси Ш.Ҳасанованинг фуқаролик ҳуқуқлари бузилганлигини тасдиқлади ва унинг мажбуран бекор юрган кунлари учун 45 минг сўм пулни туман банк филиалидан ундириш юзасидан қарор чиқарди. Вилоят суди эса бу қарорни тасдиқлади.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.**

*Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги*

# «НАМАНГАНТЕКСТИЛ»ДА

## ижтимоий ҳимоянинг янги омиллари ишга солинди

***«Намангантекстил» тўқимачилик корхонаси вилоятда энг йирик саноат даргоҳларидан бири. Бу улкан корхонада жами 4500 нафардан ортиқ киши 3 сменада меҳнат қилаётир. Бир сўз билан айтганда, узоқ йилдан буён фаолият кўрсатаётган корхона вилоятда моддий бойлик яратишда ҳам, аҳолини иш билан таъминлашда ҳам ўз улушини қўшиб келмоқда.***

Ушбу тўқимачилик корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар маҳаллий бозорга чиқарилибгина қолмасдан, хорижга ҳам жўнатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, корхонада ишловчилар учун зарур шароитлар мавжуд. Жумладан, ҳар бири 300 кишига мўлжалланган 7 та ошхона ишчи-ходимлар хизматида. Улар тановул қиладиган овқатлар 50 фоиз арзонлаштирилган. Меҳнат ва дам олиш намунали ташкил этилган. Корхонада 4 та соғломлаштириш маркази мавжуд. Хоҳловчилар ишдан сўнг бу ерда соғлиқларини мустаҳкамлайди. Ювиниш хоналари, бассейн ҳам ишлаб турибди. Ишчи-ходимларнинг ишга бориб-келишлари учун 32 та автобус беминнат хизмат кўрсатмоқда. Меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштиришда ҳам корхона маъмурияти кўплаб эзгу ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, тоғ ён-бағрида жойлашган «Камалак» болалар оромгоҳида ушбу мавсумда 800 га яқин болажонлар ҳордиқ чиқаришди. Бундан ташқари, бу дам олиш масканида Оролбўйидан ташриф буюрган 200 дан зиёд ўғил-қизлар соғлиқларини тиклашди. Бунинг учун корхона ҳисобидан 20 миллион сўм ажратилди.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан корхонада меҳнат қилаётган ва нафақадаги кексалар рўйхати олиниб, жамоа шартномасига алоҳида бўлим киритилди.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан оталиқдаги ҳарбий қисмга ташриф буюрилиб, уларга совға-саломлар улашилди. Байрам дастурхони ёзилиб, катта дастур намойиш этилди.

Шаҳардаги «Меҳрибонлик уйи»га, 2-махсус ихтисослашган болалар уйи ҳам оталиққа олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини корхонада тарғиб этиб, Республика Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти олимлари ва вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари билан учрашув ташкил этилди.

Ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1300 минг сўмлик ёрдам ажратилди. Бундан ташқари, 23 нафар ходимларга соғломлаштириш масканларига йўлланмалар берилди. Шулардан 3 нафари фахрийлардир.

Халқаро хотин-қизлар байрами кунида корхонада ишловчи, нафақадаги ва оталиқдаги мактаб, маҳалла, шифохона аёллари учун совғалар ажратилди. Бошқача айтганда тадбирга 3 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан корхонада меҳнат қилган 80 нафар уруш қатнашчилари ва байналмилал жангчилар таклиф этилиб бир пиёла чой устида суҳбатлар уюштирилди ва уларга совғалар тақдим қилинди.

Оталиқдаги Мингбулоқ туман «Гулистон» ширкат хўжалиги отахонлари талаб ва истаклари эътиборга олиниб хўжаликдаги «Оталар чойхонаси» учун 2,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Вилоят санитария-эпидемиология станцияси билан ҳамкорликда корхонада «Меҳнат гигиенасининг долзарб масалалари»га бағишланган ўқув семинари ташкил этилди. Ўқув семинарда барча фабрика ва бўлимларнинг сангигиена ҳолатлари, ишчилар ўрни ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш тўғрисида суҳбатлар ўтказилди.

Мустақиллик байрами кунига корхонада катта байрам дастури ташкил этилди. «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан корхонада ишлаб, ҳозирда нафақадаги нуронийларнинг 750 нафари таклиф этилди, уларга дастурхон ёзилиб совғалар ажратилди. Ногирон, ногирон боласи бор оилаларнинг уйларига бориб хабар олинди. Тадбирларга 4,9 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

«Оила» куни муносабати билан корхонада кўп йиллар меҳнат қилган, тўқув фабрикаси устаси Саидахон Дадахонова билан учрашув ўтказилди.

Корхонанинг хорижий ҳамкорлар билан алоқаси ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан, жорий йилда 1500,0 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиш белгиланган.

Туркиянинг «Kaya-Tekstil» фирмаси билан экспорт контракти тузилган бўлиб, унда 282 минг АҚШ долларилик 200 тонна калаваланган пахта ипини Туркияга жўнатиш кўзда тутилган.

Жанубий Кореянинг MATI Gorp компанияси билан тузилган контракт бўйича йил охирига қадар 450 минг долларлик 300 тонна ип калаваси сотиш мўлжалланган.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Прокуратура ташаббуси билан*

# ЎЙИНГОҲ ОТАЛИҚҚА ОЛИНДИ

Булунғур туман ҳокимлиги вояга етмаганлар содир этиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш, уларни мақсадли машғулотларга жалб этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқди. Унда тумандаги барча спорт иншоотлари ва майдончаларини тартибга келтириш, янгиларини қуриш ва улардан самарали фойдаланиш назарда тутилган эди. Туман прокуратураси эса бу тадбирларни амалга оширишда ибрат ва ташаббускор бўлди.

Масалан, «Мингчинор» ширкат хўжалигидаги республикага довруғли «Олимпия» стадиони қаровсиз қолган эди. Ана шу масканни туман прокуратураси оталиққа олди. Қисқа муддатда ўйингоҳ қайта таъмирланди. Бу ишда қишлоқ ёшларининг ўзлари ҳам фаол қатнашишди. Эндиликда бешта қишлоқ болалари бу ерда исталган вақтда спортнинг бир неча тури билан бемалол шуғулланаверади. Келгуси йил кичик сузиш ҳавзаси ҳам ишга тушади. Қиш тушмасдан қишлоқ ёшлари ўртасида спорт мусобақалари ҳам ўтказилди.

Бундан ташқари «Чўянтепа», «Килдон» хўжаликларида футбол, волейбол, теннис, Ҳ.Олимжон номли хўжаликда кураш, туман марказида бокс майдончалари қурилди. Бу ерларда очилган тўгараклар малакали мураббийлар билан таъминланди. Бундай эзгу ҳаракатга бошқа ташкилотлар ҳам қўшилиб, туман миқёсида кенг кўламли тадбирлар қулоч ёйди. Болалар ва ўсмирларга қизиқарли машғулот топилди.

– Болаларни таъқиқ усули билан тарбиялаб бўлмайди. Аксинча бу усул тескари таъсир қилиши мумкин.- дейди Булунғур туман прокурори Эшназар Султонов,- Шунинг учун биз ўсмирларнинг бўш вақтларини мазмунли машғулотлар билан тўлдириш мақсадида спорт иншоотларини самарали ишлатишга киришдик. Шу орқали болалар қалбига кириб, уларни қонунни қаттиқ ҳурмат қиладиган, бурчини англайдиган кишилар қилиб тарбиялашга ҳисса қўшиш ниятидамиз. Прокуратура айблайдиган, жазолайдиган идора эмас, қонунийликни талаб қилади, холос. Мана шу тушунчани одамлар онгига сингдириш керак. Шу мақсадда туман прокуратурасида «Вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш маркази» ташкил этилди. Бу ерда ўсмирлар, ота-оналар иштирокида ҳуқуқий мавзуларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Прокуратура ҳомийлигида 55 нафар аълочи ўқувчининг Тошкентга сафари уюштирилди. Улар Олий Мажлис биносида депутатлар, қўмиталар иш жараёни билан танишишди. 35 нафар ўқувчи эса Самарқанддаги олий ўқув юртларида олимлар, талабалар билан суҳбатлашиш имконига эга бўлишди. Бу тадбирлар болалар қалбида эзгу ниятларни кўпайтиради, деган умиддамиз.

Мазкур саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, кейинги ойларда туманда вояга етмаганлар қонунбузарлиги камайгани кузатилди. Энди ота-оналар, маҳаллалар фаолларининг ўзлари бу борада янги-янги таклифлар айтишмоқда. Бу эса одамлар ягона мақсадга интилмоқда, демакдир.

**Комила УМИРОВА.**





*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

# «АСАКАБАНК» КРЕДИТИ

## Бухорода қўшимча иш ўринларини яратиш имконини берди

Бугун мамлакат миқёсида давом этаётган иқтисодий ислоҳотлардан бири банк тизимини такомиллаштиришдир. Акционерлик тижорат «Асака банк»инииг Бухоро филиали эса улардан бири саналади.

Бошқа банк муассасаларига ўхшаб, ушбу филиалда ҳам мижозларга хизмат кўрсатиш кўламининг кенгайиши ва тубдан яхшиланаётганлиги эътиборга лойиқдир. Шу йилнинг ўзида қатор янгиликлар жорий этилди. Жумладан, пластик карточкалардан фойдаланишга ўтилди. Депозитарий ячейкаларидан самарали фойдаланиш ҳам мижозлар учун анчагина қўшимча қулайликларни яратди. Ҳаммадан ҳам «Банк-Мижоз» дастури бўйича хизмат кўрсатишга ўтилгани жуда қўл келди.

2002 йил 1 октябрида олдинги йилнинг шу даврига нисбатан мижозлар сони деярли икки ҳиссага ошганлиги ҳам кўп нарсани кўрсатиб турибди. Айни чоғда филиал 899 та мижозга хизмат кўрсатмоқда.

Тўққиз ойлик якун бўйича банк активлари бултургига нисбатан 7.5-8 мартага ошди. Нақд пул эмиссияси даражасини пасайтириш бўйича ҳам сезиларли ишлар қилинди. Натижада белгиланган касса режалари кўрсаткичлари бажариб келинмоқда.

Ҳукуматимизнинг тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш хусусидаги қаратилган кўрсатмаларига жавобан фақат қисқа муддатли кредит ажратиш билан чекланиб қолмай, кўплаб миқдорда микрокредитлар ажратишга ҳам эътибор қаратилди. Қарзга берилган маблағларнинг катта қисми, ёхуд 9.2 миллиард сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилганлиги фикримизни тасдиқлайди. Олинаётган фойдадан имтиёзли кредит фонди ташкил этилиб, ана шу билан ҳам ўнлаб, юзлаб кичик ва ўрта бизнес билан машғул бўлган тадбиркорларни қўллаб-кувватлаш чоралари кўрилди.

Филиалда аҳоли бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш юзасидан ҳам талайгина ишлар қилинаётир. Шу йилнинг ўзида ўнлаб янги-янги омонат турлари жорий этилди. Жумладан, «Истиқлол», «Орзу», «Табассум», «Милленум» дея номланадиган омонат турларига ўз маблағларини қўйиш истагида бўлган мижозлар сони ошиб бормоқда.

2001 йилнинг 1 октябр ҳолатига қараганда деярли 2.9 маротаба кўп аҳолининг бўш маблағлари жалб қилинди. Айни чоғда унинг қолдиғи 273 миллион сўмни ташкил этади.

Кимдир эҳтиёт қисмлар, кимдир маъданли ўғит, кимдир қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олишга қийналади. Шунда ишончли ҳамкор банкнинг кредит маблағлари асқотиши мумкин. Ўтган даврда «Маданият» ҳиссадорлик жамияти (Бухоро тумани), «Бобур» хусусий фирмаси, «Назарбобо», «Олтин дала» фермер хўжаликлари айни шу йўлдан бориб, ишни ҳар томонлама жонлантирдилар. «Жонибек-2001» хусусий фирмаси сифатли нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун банкдан 5 миллион сўм микрокредит олиб кам бўлмади. Сифатли нон ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 15 та қўшимча иш ўринлари яратилди.

Ўтган даврда чет эл кредит линиялари очилиб, ҳамкорликда кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Масалан, яқинда Ҳалқаро молия корпорациясининг кредит линияси орқали «Қоракўлтекс» қўшма корхонасининг иккинчи линияси учун 1.5 миллион. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш юзасидан зарур ҳужжатларни тайёрлаш ишлари охирига етказилди. Бу маблағга асосан тикув ва бўяш дастгоҳлари сотиб олинади. Натижада ушбу корхона имкониятлари янада кенгайиб, у ерда нафақат калава иплар, балки трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. 100 та қўшимча иш ўринлари яратилади.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**



Жиззахлик ишбилармонлар хорижликлар билан ҳамкорликда ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, вилоятдаги «Жибри» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасида бир кеча-кундузда 150 тонна чигит қайта ишланмоқда. Айни пайтда корхонада 172 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

***Суратларда: ёғни тозалаш бўлими ишчилари Рустам ва Ўрол Оқмуродовлар; лаборатория мудираси Содиқа Акбаева тайёр пахта ёғ сифатини текширмоқда.***

**Ш.АКРОМОВ**
**олган суратлар.**

# МАНФААТДОРЛИК ҲАМ, САМАРА ҲАМ ЮҚОРИ

Чиноз пахта тозалаш корхонаси нафақат туманда, балки Тошкент вилоятидаги пешқадам жамоалардан бири саналади. Боиси, корхона аҳли турдош корхоналар ичида 2002 йилни қувончли натижалар билан якунламоқда. Хусусан, ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш натижасида кўплаб хорижлик ҳамкорларга 1500 тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси экспорт қилинди. Бу эса аввалги йилларга нисбатан анча кўпдир.

– Бирон йил йўқки, корхонамиз жамоаси режани бажармаган бўлсин. Сабаби ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва кўнгилли дам олишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилгани анча қўл келаяпти, - дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси М.Халилов. – Шу туфайли самара ҳам, манфаатдорлик ҳам юқори бўлаётир. Айни пайтда эса қолган хомашёни қайта ишлаш жадал суратларда давом этмоқда.

*Қонун барчага баробар*

***Демократик жамиятни барпо этиш сари дадил қадам ташлаётган республикамизда ҳуқуқ устуворлиги таъминланган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ қабул қилинаётган қонунлар халқнинг ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда хизмат қилиб, унга бефарқ бўлмасликка чорлайди.***

# МУЛК ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг саккизта моддасида қайд этилган қонун талабларини бузиш билан боғлиқ қилмишлар жиноят деб топилган. «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекс моддаларида ҳам айнан шу масала бўйича маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган.

Қонунлар жамият тараққиётининг асосидир. Шундай экан, ҳар бир шахс қонун талабларини бажаришга масъулдир. Аммо мана шу масъулликни ҳамма бирдай англаб етаяптими?

Баъзан фаолиятимизда шундай вазиятлар учраб турадики, фуқаронинг қонунни яхши билмаслигими ёки билатуриб унга бефарқлик билан қараётганлиги эканлигини тушунолмай қоламиз.

Шу маънода яқинда жиноят ишлари бўйича Шовот туман судида Жиноят кодексининг 219- моддаси 2- қисми билан айбланган фуқаро Р.Турсунов устидан кўрилган 1- 83-сонли жиноят иши ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли бўларди. Судланувчи Р.Турсунов туман суд ижрочиси, участка инспектори ва бошқа кишилар билан даъвогар Г.Қўчқорова фойдасига 80 минг сўмлик мол-мулкни ундириб бериш учун боришган. Лекин жавобгар Г.Қўчқорова мулкларни судгача уйига олиб кетган, ҳеч кимни уйга киритмайман деб, қонун талабларини бажармасдан, қаршилик кўрсатган.

Ачинарлиси, бу ҳаракати билан Жиноят кодексининг 219- моддаси 1- қисмида кўрсатилган қонунбузарликни содир этаётганлигини унинг ўзи ҳам билмасди. Кўриниб турибдики, қонунларимизга беписандлик билан қараш, талабларга амал қилмаслик, ўз-ўзидан ноқонуний ҳаракат содир бўлишига олиб келган.

Қайта судловда Р.Турсунов қонунларни пухта билмаслик панд беришини англаб етган бўлсада, аммо энди кеч эди.

Ишни одилона кўриб чиққан суд Г.Қўчқоровага тегишли 80 минг сўмлик мол-мулкни эгасига қайтартирди, жавобгар Р.Турсуновга эса қилмишига яраша ойлик иш ҳақининг 20 фоизидан давлат фойдасига ушлаб қолиниши шарти билан ахлоқ тузатиш жазоси тайинлади.

Ишлаб чиқилган қонунлар давлат ва жамият тараққиётининг таянчидир. Қонунни ҳурмат қилган, аввало уни пухта ўзлаштиради ва ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этишда унга таянади. Аксинча унинг талабларини бажармаганлар юқоридаги сингари ҳолга тушиши шубҳасиздир.

**Й.ОТАЖОНОВ,**
**Шовот туман суди ижрочиси.**

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИГА

Наманган вилоятида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари бошланди. Бир ой давомида ҳарбийларнинг ҳарбий бўлинмалар, ўқув юртлари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, ёшлар билан учрашувлари бўлиб ўтади. Шунингдек, ушбу тадбирлар доирасида спорт мусобақалари, бошқа маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилади.

Шу билан бирга, ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги давомида ҳарбий мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ қонунлар ижросига оид тушунтириш ишлари ҳам олиб борилади.

Ойлик дастури вилоят мудофаа ишлари ва халқ таълими бошқармалари томонидан вилоятнинг бошқа қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари иштирокида ташкил этилди.

**(ЎзА).**

# ОБЛИГАЦИЯЛАР ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Банклар ассоциациясида Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг корпоратив облигациялари чиқарилиши ва жойлаштирилишига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тақдимот «Carthill asset management company» шўъба корхонаси ва «A&TM» компанияси билан биргаликда ташкил этилди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати облигациялари эмиссияси Халқаро эмиссия синдикати доирасида амалга оширилган еттинчи лойиҳа бўлиб, эмитентга капиталнинг ички бозоридан облигация займи воситасида катта суммадаги - 2 миллиард сўм миқдоридаги қўшимча инвестицияларни жалб қилиш имконини берган биринчи лойиҳадир. Унинг айланиш муддати 24 ой бўлиб, йиллик даромад ставкаси 29 фоиз этиб белгиланган.

«Ўзприватбанк» облигацияларни чиқаришнинг бош андеррайтери вазифасини комбинат облигациялари эмиссиясининг катта қисмини бирламчи жойлаштириш ва даромадлиликни таъминлаш мақсадида ўз зиммасига олган. Шунингдек, унга «Ўзбекинвест сармоялари» инвестициявий компанияси ва мамлакатимизнинг кўпгина тижорат банклари шерик бўлган.

**(ЎзА).**

Ўзбек кураши

# ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

***Хабар қилинганидек, Ҳиндистон пойтахти Деҳлида кураш бўйича иккинчи Осиё чемпионати ниҳоясига етди.***

Кураш бўйича Ереванда ўтказилган тўртинчи жаҳон чемпионати Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллиги нишонланаётган кунларга тўғри келган эди. II Осиё чемпионати эса халқимизнинг яна бир катта байрами - истиқлолимизнинг ҳуқуқий таянчи, бахтимиз қомуси - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 10 йил тўлган кунларда Ҳиндистонда бўлиб ўтди. Мусобақада қитъамизнинг энг сара полвонлари иштирок этди. Чемпионатнинг юксак савияда ташкил этилгани мезбонлар ҳамда Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) мутасаддиларининг мазкур мусобақага жиддий тайёргарлик кўрганидан далолат беради.

Чемпионатнинг тантанали очилиш маросими Деҳлидаги муҳташам «Талкатора» спорт саройида бўлиб ўтди. Ўзбекона яктак кийиб саф тортган полвонларга КХА президенти Комил Юсупов омад тилади. Таъкидлаш жоизки, маросимда Нью-Деҳли штати губернатори Капур, ушбу штат парламенти раиси Киран Чаутхари хоним, Осиё Олимпия қўмитаси бош котиби Рангхир Сингх, ўнлаб мамлакатларнинг Ҳиндистондаги элчилари қатнашгани ўзбек курашининг нуфузи янада ошганининг тасдиғидир.

Чемпионат эркаклар ўртасида тўрт, аёллар ўртасида уч вазн тоифасида ўтказилди. Муросасиз беллашувлардан сўнг 66 килограмм вазн тоифасида ҳамюртимиз Тўра Ўтаев олтин медални қўлга киритди. У финалда мўғулистонлик Болд Эрдененинг курагини ерга теккизди.

73 килограмм вазн тоифасида яна Ўзбекистон ва Мўғулистон полвонлари финалга чиқди. Дамдин Судбаярни мағлуб қилган Рамзиддин Саидов Осиё чемпиони деган юксак унвон соҳибига айланди. 90 килограммлик спортчилар баҳсида Али Ризо Саноийнинг (Эрон) қўли баланд келди. Япониялик Кохей Вошизамани йиқитган Али Ризо Осиё чемпионатининг олтин медалини олди.

Мутлақ вазн тоифасидаги полвонлар баҳсида эронлик Аркан Ифатийга тенг келадиган топилмади. У финалда ватандошимиз Давлат Чориев устидан ғалаба қозонишга муваффақ бўлди. Давлат Ереванда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам кумуш медал совриндори бўлган эди.

Аёллар мусобақаси ҳам жиддий курашларга бой бўлди. Елена Шумилная (Қирғизистон, 52 кг), Жасмин Нурмандах (Ҳиндистон, 63 кг) ва Ойгул Кубаева (Туркманистон, мутлақ вазн) ўз вазн тоифасида ўзбек кураши бўйича Осиё чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Кураш халқаро ассоциацияси ижроия қўмитасининг Деҳлида бўлган навбатдаги йиғилишида 2003 йилги мусобақалар тақвими, бешинчи жаҳон чемпионатини ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Узоқ тортишувлардан сўнг, V жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиш ҳуқуқини Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри қўлга киритди.

Ижроқўм йиғилишида ёшлар ўртасидаги навбатдаги жаҳон биринчилигини Шри-Ланкада ўтказишга келишиб олинди.

Шундай қилиб, миллий курашимизнинг яна бир байрами ниҳоясига етди. Олимпиада ўйинлари сари дадил одимлаётган ўзбек кураши узоқ Ҳиндистонни ҳам забт этди. Мамлакат телевидениесининг бир йўла иккита канали, ўнлаб газеталар чемпионатни жуда катта иштиёқ билан мунтазам ёритиб тургани ҳам фикримизнинг далилидир.

**(ЎзА)**

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда*

***Республикамизда халқ таълими соҳасидаги ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган замонавий билим масканлари – мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежларида минглаб ўғил-қизларимиз сабоқ олишмоқда.***

# БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА МАКТАБ

Косон тумани Халқ таълими бўлимига қарашли Мустақилликнинг 10 йиллиги номли 92-мактаб ўтган йили «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси республика бошқаруви ҳомийлигида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Таъкидлаш жоизки, мактабда барча шарт-шароитлар мавжуд: замонавий компьютер хонаси, фан кабинетлари, муҳташам спорт зали ва майдончалари ўқувчиларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамоллиги учун хизмат қилмоқда. Айни вақтда бу ерда 450 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.

– Авваллари ўқувчиларимиз шаҳар марказидаги мактабга қатнар, бу улар учун анча ноқулайлик туғдирар эди, – дейди мактаб директори Муҳташам Раупова. – Фарзандларимиз эртаси учун қайғурадиган инсонлар саъй-ҳаракати, бевосита ҳомийлигида ажойиб мактаб биносига эга бўлдик.











Мактабда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, билимдон, маънавияти юксак ўқувчи-ёшларни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу муҳим ишда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма туман қўмитаси билан ҳамкорлик, айниқса катта аҳамият касб этмоқда.

**Камол ОЛЛОЁРОВ.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

## ТИНЧЛИК - ЭНГ БУЮК НЕЪМАТ

***Навоий шаҳрида «Инсонлар ва уруш» мавзуида фотосуратлар кўргазмаси очилди.***

Халқаро Қизил хоч қўмитаси ва Республика Қизил Ярим ой жамияти ҳамкорликда ташкил этган фотокўргазмада турли даврларда инсоният бошига бемисл кулфатлар келтирган урушларнинг даҳшатли оқибатлари акс эттирилган. Бутун дунёда терроризм хавфи кучайган ҳозирги вазиятда мазкур кўргазма, айниқса долзарб аҳамият касб этади. Фотокўргазма ҳар бир инсонни тинчликдек буюк неъматнинг қадрига етишга, хусусан, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик сиёсати моҳиятини

*Фотокўргазма*

янада теранроқ ҳис этишга даъват этади. Буни кўргазмани томоша қилган навоийликларнинг эсдалик дафтарида қолдирган ёзувларидан ҳам билиш мумкин.

«Фотокўргазмада акс этган уруш фожиалари ҳар қандай одамни ларзага солади,- деб ёзади Навоий шаҳридаги 2-мактаб ўқитувчиси Дилрабо Аллонова. - Шу билан бирга тинчлик ўз-ўзидан қарор топмаслиги ҳақида сабоқ беради, ҳар бир инсонни, айниқса ёшларни мамлакатимизда қарор топган тинч ва осойишта ҳаётни қадрлашга чорлайди.»

Фотокўргазма Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказларида намойиш этилади.

*Хабарлар оқимидан*

## «МЕНИНГ ЕТТИ АЖДОДИМ»

Паркент туман Болалар ва ўсмирлар Ижодиёт марказининг маънавият ва маърифат бўлими йил бошида ажойиб ташаббус билан чиқиб, тўгаракларда шуғулланаётган ўқувчилар ўртасида «Менинг етти аждодим» мавзусида рефератлар кўрик-танловини эълон қилган эди. Яқинда танлов ниҳояланди. Унда рақс тўгараги аъзоси, 1-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Нигора Жабборова ғолиб деб топилди ва Ижодиёт марказининг қимматбаҳо эсдалик совғаси билан тақдирланди.

– Ушбу кўрик-танловнинг аҳамияти ғоят катта, – дейди БЎИМ маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Ф.Иноғомова. – Чунки етти аждодини билиш – ўзлигини, тарихини, қадриятларини билиш дегани. Ватанпарварлик деган олий туйғу, энг аввало, ана шундан бошланади.

Дарҳақиқат, бобокалонларининг кимлигини билган ёшлар ўз халқининг шонли тарихидан хабардор бўладилар, уларга муносиб авлод бўлиб етишишга ҳаракат қиладилар. Шу маънода, кўрик-танлов қатнашчилари катта маънавий бойликни қўлга киритишди, десак адашмаймиз.

**Н. АШИРМАТОВ.**

## ЭКОТУРИЗМГА КЕНГ ЙЎЛ

Ўзбекистонда халқаро туризмни йўлга қўйишнинг кенг имкониятлари мавжуд. Ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонлар билан таништириш мақсадида экологик туризмни ҳам йўлга қўйиш тадбирлари кўрилмоқда.

Гап шундаки, Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий тоғли ҳудудларида умуртқали ҳайвонлар хилма-хиллигини ўрганиш жараёнида кўпгина зоологик маълумотлар тўпланди. Бу эса мамлакатимиз биологик захираларидан унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни давр талаби асосида ташкил этиш имконини беради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институти олимларининг бу борада олиб борган кузатишлари юксак баҳоланди. Илмий муассаса тавсияси билан Ғарбий Тянь-шань тоғининг Ўзбекистон қисмида экотуризмни ривожлантириш истиқболлари очилмоқда. Бунда умуртқали ҳайвонлар кўргазмали «экспонат»лар бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон турларини сақлаб қолиш мақсадида микро қўриқхоналарни ташкил этиш ҳам тавсия қилинди.

## МАХСУС ЖЎҒРОФИЙ ХАРИТА

Ўзбекистон ҳудудини ижтимоий-иқтисодий баҳолашда сейсмологик, муҳандислик, геологик мезонларни ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Ўзбекистон Фанлар академиясининг сейсмология институти олимларининг ана шу йўналишларда олиб бораётган изланишлари яхши самаралар бермоқда.

Тадқиқотлар натижалари ўлароқ қатор янги жўғрофий хариталар ҳам юзага келди. Шарқий Ўзбекистон ҳудудини сейсмик, сейсмотектоник маълумотлар асосида кучли зилзилалар етказадиган ҳавфнинг зарар келтирувчи омилларини баҳолаш жараёнлари пухта ўрганилиб, махсус хариталар тузилди.

Бундан ташқари муҳандислик-геологик шартномаларнинг мураккаблик даражасини акс эттирувчи хаританинг яратилиши ҳам институтнинг ютуғи бўлди.

Чорвоқ ва Андижон сув омборлари ҳудудларида сейсмик фаолликни кўрсатувчи ўзгаришларни шартли балл бўйича баҳоловчи чизмачилик хариталардан ҳам фойдаланилмоқда.

Институт саъй-ҳаракати билан «Ўзбекистоннинг жўғрофий атласи» яратишга киришилди. Ҳозирнинг ўзида бу атласдан ўрин оладиган хариталарнинг муаллифлик эскизлари тайёр бўлди.

**А.АЛИЕВ.**

## «ҚИЗИЛҚУМ ОВОЗЛАРИ» ҒОЛИБЛАРИ

Навоий кон-металлургия комбинати ёш истеъдодларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида ҳар йили «Қизилқум овозлари» кўрик-танловини ўтказиб келади.

«Фарҳод» маданият саройида бўлиб ўтган олтинчи анъанавий кўрик-танлов кончилар санъатни ҳам қадрлай билишларини яна бир бор намоён этди. Бу бежиз эмас. Маданият саройининг ўзи вилоят бўйича элликдан ортиқ турли бадиий жамоаларни бирлаштириб турибди.

Танловнинг финал босқичида комбинатнинг Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Зафаробод, Нуробод шаҳарлари маданият саройларидан юзга яқин ёш истеъдод эгалари иштирок этди. Уларнинг она-Ватан озодлиги, эркин ҳаёт нашидаларини тараннум этувчи куй ва қўшиқлари, жозибали рақслари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Кончиларнинг ўзига хос бу қўшиқ байрамида навоийлик Шерзод Давронов ва учқудуқлик Жадра Туленова ғолиб бўлди.

**(ЎзА)**

***Яқинда замонавий санъат марказида истеъдодли мўйқалам соҳиби Ҳаким Мирзааҳмедов асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Намойиш этилган элликдан зиёд манзара-асарларда она табиатимизнинг бетакрор қиёфаси, фаслларнинг ўзига хос кўрки, саховати, мусаффолиги лирик йўналишларда намоён бўлди.***

# ОНА ТАБИАТ КЎРКИ

Алоҳида таъкидга лойиқ жиҳат шуки, бугунги кунда АҚШ, Англия, Франция, Япония, Жанубий кореялик тасвирий санъат мухлислари шахсий коллекцияларини иқтидорли мусаввирнинг асарлари бойитиб турибди. Унинг асарлари Санъат музейи, Бадиий кўргазмалар дирекцияси, Урганч шаҳридаги картиналар галереяси, шунингдек, Россиядаги бир қанча музейлардан ҳам ўрин олган.

Ҳаким Мирзааҳмедовнинг яратган ҳар бир асари томошабинда катта қизиқиш уйғотади. Ўта синчков, томошабин билан мушоҳада қилишда эринмайдиган, мухлислари фикр-мулоҳазаларига таяниб асарлар яратадиган мусаввир, шу боис бўлса керак, рангларни танлашда ҳечам янглишмайди. Ошиқчаликка йўл қўймайди. У изланишдан сира эринмайди, вақтнинг қадрига етади.

Ҳаким Мирзааҳмедов асли фарғоналик. 1976 йили Тошкентдаги бадиий билим юртини тугатган. Сўнг



В.Суриков номидаги Москва Давлат рассомчилик институтида таҳсил олган. Билим юртининг рангтасвир бўлимида Г.Мордвинцев, олийгоҳда К.Тутевол сингари машҳур манзарачи рассомлар сабоқларини олган мусаввир манзара асарлар яратиш сирларини мукаммал даражада эгаллади. Қўлига мўйқалам тутганидан бошлаб она табиат мафтуни бўлди. Табиат гўзалликларини жўшиб тасвирлади. Шу сабабдан ҳам 1981 йили, ҳали талабалик давридаёқ «Хирмон» асари билан Москвадаги рассомлар уйида очилган кўргазмада кўпчилик эътиборини ўзига жалб этган эди. «Гуллаган дарахтлар байрами» диплом иши эскизи эса Ленинграддаги Россия Бадиий академиясининг 225 йиллигига бағишланган катта кўргазмада намойиш этилганди. Ҳ.Мирзааҳмедов 1982 йилдан бошлаб ўзи ўқиган билим юртида ёшларга сабоқ бериш билан бирга витраж техникасида қатор маҳобатли асарлар яратди.

– Асарларимда имкон қадар барча фасллар ҳолатини тўла очиб беришга ҳаракат қиламан. Шунинг учун ҳам ҳар бир фаслга оид асарларим ўзига хос туркумни ҳосил қилади. Зеро, софлик, гўзаллик, сахийлик нафақат табиатда, инсонларда ҳам бўлиши керак. Биз ундан ибрат олишимиз, ўрганишимиз зарур.

Ҳа, мусаввир ҳақ. Биз табиат инъом этган бойликларни асраб-авайлашимиз, дов-дарахтлар, жониворлар, анҳор, дарё, кўл, тоғ, қўйингки, барча-барчасининг қадрига етишимиз керак. Мусаввир маҳорати, қалб ҳарорати билан яратилган ўнлаб асарлар ана шу мақсадда вужудга келган. Қуёш, Ой, юлдузлар ёғдуси, сойлик, тоғлар, зумрад япроқлар мойбўёқларга кўчган. Уларда мусаввирнинг машаққатли меҳнати, бетакрор иқтидори ҳамда юксак бадиийлик ўзининг аксини топган дейиш мумкин.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ, санъатшунос.**

*Санъат*

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Курортлар бошқармаси жамоаси «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийси бош шифокори Абдулла Ҳакимовга акаси

**Хайриддин ҲАКИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари жамоаси фахрий журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

**Исмоил СУЛАЙМОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9110 Буюртма Г— 1119. 1 2 3 4 5 6